“ЖАЖМАН” ВА “ҚЎЛ” ҲИКОЯЛАРИНИНГ РАМЗИЙ-МЕТАФОРИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Олимжон ЖУМАБОЕВ
таянч докторант
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти
Тошкент, Ўзбекистон
olimjon.jumaboyev@gmail.ru

Аннотация

Мақолада замонавий ўзбек насрида тадқиқотчилар томонидан алоҳида эътироф этилган Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” ва Назар Эшонқулнинг “Қўл” ҳикояларининг бадиий-фалсафий мазмуни тадқиқ этилган. Ҳикояларда алоҳида рамзий-мажозий образ — “жажман” ва “қўл”нинг хатти-ҳаракатлари орқали ижтимоий-маиший ва глобал масалалар ҳам кўтарилган.

Таянч сўзлар: қўл, жажман, мумтоз адабиёт, рамз, метафора, замонавий адабиёт.

СИМВОЛИЧЕСКО-МЕТАФОРИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА В РАССКАЗАХ “ДЖАДЖМАН” И “РУКА”

Олимджан ЖУМАБАЕВ
базовый докторант
Институт узбекского языка, литературы и
фольклора Академии Наук Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан
olimjon.jumaboyev@gmail.ru

Аннотация

В статье исследуется художественно-философское содержание рассказов «Джаджман» Хуршида Дустмухаммада и «Рука» Назара Эшанкула, завевавших особое признание у исследователей современной узбекской прозы. Через действия особых символически-метафорческих образов «джаджмана» и «руки» затрагиваются социально-бытовые и глобальные проблемы общества.

Ключевые слова: кука, джаджман, классическая литература, символ, метафора, современная литература.

Маълумки, узоқ тарихдан ҳозирги кунгача нафсни тийиш, мол-мулкка ортиқча хирс қўйишнинг охири уқубат экани, айниқса, бунинг жавобгарлиги борлиги борасида кўп таъкидланган. Бу ҳақда, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикмат”ларида ҳам:

“Бешак билинг, бу дунё, барча элдан ўтаро,

Инонмағил молингга, бир кун қўлдан кетаро” [6],

дея дунё лаззати киши қўлидан алал-оқибат кетиши ва у инсонни хароб этиши уқтириб ўтилган.

Бугунги мумтоз адабиётимиз замирига сингиб кетган ушбу жиҳатлар замонавий насримизда ўзгача рамзлар ва метафоралар воситасида акс эттирилмоқда. Хусусан, Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Исажон Султон, Шойим Бўтаев, Баҳодир Қобул сингари ёзувчилар асарларида рамзий образларнинг маълум ғояларга асосан қўллаб, мумтоз адабиётимиз ва халқ оғзаки ижоди намуналарида учраган воситалар орқали аудиторияни бадиий тафаккур қилишга ундамоқда. Шу билан бирга, бугунги куннинг етук прозаиклари бир-бирларидан тажриба олиб, жаҳон адабиётининг энг замонавий услубларини ўзлаштириб, ўз асарларида қўллаб, параллел ижод қилиб, замонавий ўзбек насрини бойитиб бормоқда.

Ўзбек адабиётини жаҳон классик адабиёти даражасига кўтараётган адиблардан бири Назар Эшонқулдир. Ёзувчининг деярли барча асарлари бадиий тафаккур қилиш, асар моҳиятини қайта-қайта ўйлаш, фикрлашга ундайди. Рамз ва мажоз ўзбек адабиётининг энг қадимий образли тафаккур қилиш воситаси бўлгани ҳолда бугун ҳам икки истилоҳ адабиётимизнинг мағзи бўлиб хизмат қилмоқда. Шу маънода Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” ва Назар Эшонқулнинг “Қўл” ҳикояларини ўзаро солиштириш орқали ижодий уйғунлик яратилганини таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

Аввало, ҳикоянинг номланишига тўхталиб ўтсак. Жажман номининг ўзиёқ ўқувчи эътиборини тортади. Жажман атамаси улуғ адиб Ойбекнинг “Навоий” романида учрайди. Асарда “ўзи ҳам жажман, ўткир қиличини, ханжарини, кичик, лекин ростакам ўқ-ёйини тақиб олди”, жумласи асарнинг умумий контексидан англашилиб, сўзнинг изоҳи “кичкина”, “жажжи”га синоним тушишини билиш қийин эмас. Лекин айни вақтда унинг айнан маъно-мазмуни келтирилмаган. Жажман – кичкина маъноси эканлиги ҳикоянинг умумий мазмунида тўлиқ акс эттирилган.

“Рамз – воқеликнинг тимсоли. Воқеликнинг айнан ўзи гўзал эмас, унинг тимсоли гўзалдир. Илло тош эмас, тошга йўнилган хаёл гўзал. Адабиётнинг илоҳий кучи — айнан шу хаёлни ёрита олишда кўринади. Ижод яратишдир. Яратиш эса илоҳиётга дахлдорликдир. Яратиш завқи барча завқдан, яратиш азоби барча азобдан юксакроқдир. Гўзаллик яратиш эса, бу — илоҳиётни чархлашдир” [3;4], дея рамз яратиш санъатини юксакка кўтаради. Адибнинг юқоридаги фикридан ҳам билиш мумкинки, рамзлар ва метафоралар ишқибози ҳамда яратувчиси. У яратган ҳикоя, қисса ва романларидаги рамзлар аксари бошқа адиблар (замонавий ўзбек адабиёти вакиллари) ижодида учрамайди.

Албатта, “Ҳақиқий санъат асарининг образлари ўзида ёзувчининг дунёқарашини, таъби, диди, ижтимоий муносабатлари чизимини ҳам ёрқин акс эттириб туради” [1;152].

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” ҳикояси ижтимоий муаммолар – очкўзлик, ўғрилик, таъмагирлик каби иллатлар турли ебтўймас махлуқ жажман қиёфасида тасвирланган, кейинги даврда ёзилган энг сара асарлар қаторида эътироф этилади. Асар моҳияти бозор ичига бир махлуқ оралаб, бутун бошли жамоатнинг ризқини ўғирлаб қочади, юлқиб кетади, еб битираверади, охири одамлар келишиб, уни тутиб ўлдиради ва уни ўлдирган ҳамоноқ яна ўша шаклу шамойилга эга махлуқлар туғилади. Махлуқлар бутун бозорга ёпирилиб кетади.

Ёзувчи ушбу сюжет орқали ҳаёт деб аталмиш “бозор”нинг икки томонида – замонавий мавзуда ва ўтмишга дахлдор мавзуда ўзаро солиштирув олиб боради.

Ёзувчи Назар Эшонқул таъбирича эса “воқелик, ҳолат, характер, иллат, муносабатларни “Зардушт бобо” ва “Жажман” деган тарозига солиб, кечаги ва бугунги Инсонга, инсоннинг азали ва абаддаги ўрнига ташхис қўйиб бераётгандай” [7]. Бу ўринда Назар Эшонқул назариётчи сифатида ҳикоянинг маъно-моҳиятини ўтмиш билан боғлаб, Зардушт бобо образи жонланганини айтиб, инсоннинг илоҳий бурчи ва амоли нима эканини изоҳлайди.

Шунингдек, филология фанлари доктори М.Қўчқорова ҳам асардаги “Жажман” образининг генезиси билан қизиқиб, унинг грек мифологиясига доир турли қиёфага кирувчи махлуқ “Сабдаг”га қиёсан, таъсиран яратилганлиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Албатта, бу ҳам ёзувчининг жаҳон халқлари адабиёти ва фольклорини пухта билишини кўрсатади. Мифологик луғатда, “Сабдаг” образ сифатида турли қиёфага кира олиши, ўз функциясини кенгайтириши, йўқолиши ва пайдо бўлиши айнан метафорик ҳолат ҳисобланади. Жажман ҳам нафақат турли қиёфага кира олади, унинг барча қиёфаси ҳам кемирувчилар синфига хосдир.

М.Қўчқорованинг “Ҳозирги ўзбек насрида бадиий шартлилик” номли китобида ҳам бу фикрлар тугал равишда: “Фикримизча, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад “Жажман” мифологик образини яратишда дунё халқлари мифларида мавжуд бўлган шу типдаги мифологик образларга (жумладан, “Сабдаг”) таянган” [4;119], деган изоҳ билан қайд этилади.

Филология фанлари номзоди, адабиётшунос Г.Сатторова эса ҳикоядаги миллий менталитет, маънавий руҳ борасидаги хулосаларини баён этади. Шунингдек, адабиётшунос олим Н.Довурбоева ҳам “Жажман жилвалари” номли мақоласида “жажман” тимсолини бир неча аспектда таҳлилга тортиб, уни ёмонлик ва яхшилик ўртасидаги абадий кураш, бозорга ташланган қўл эса ёмонликнинг абадий маҳв бўлмаслигига ишора, одам ва жажман ўртасидаги абадий кураш эканини таъкидлайди. Ҳатто ҳикоянинг ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида ёзилганига ҳам урғу беради: “Маълумки, Ўрта Осиё босиб олинганидан сўнг турли емишларга ўрганган “жажманлар” “катта бозор”га танда қўйиб қолишди. Агар иложи бўлсайди, улар ўзбек тупроғини ҳам ташиб олиб кетардилар” [2;43].

Юқорида бежиз Назар Эшонқулнинг “жажман” ҳақидаги фикрини келтирмадик. Адабиётимизнинг икки забардаст вакиллари ўртасида доимий ижодий муштараклик кузатилади. Адибнинг “Қўл” [8] ҳикояси эса айнан очкўзлик ва ўғрилик тимсоли, ижтимоий муаммоларни турли бадиий шартлилик асослари ёрдамида даврнинг манзараси сифатида кўрсатгани

билан алоҳида аҳамиятлига молик. Албатта, “Жажман”дан фарқли равишда “Қўл” ҳикояси камроқ таҳлил қилинган.

Салом тегирмончининг уйида бирдан пайдо бўлган қўл оиланинг ризқини дастурхон бошида ўғирлаб, камайтириб, тўкинликка путур етказа бошлайди. У бировнинг қўли эканини англагунча оилабошининг анчагина вақти кетади. У кўриниб, кейин дарров йўқолишини билгач Салом тегирмончи мулла ва сеҳр қилгувчиларни олиб келади. Мулла Келдиёрни ҳам меҳмонга чақириб, унинг ўз кўзи билан кўриши учун ош тайёрлатади. Мулла ҳам қўлни кўргач, ажабланиб турса-да, уй эгасига лом-мим демайди. Бироз кузатиб тургандан сўнг эса уй эгаси унга ҳам “қўл” кўринаётганини сўрагач, қўлни икковлон кузатишга киришади. Ҳикоя давомида бу гап бутун қишлоққа тарқайди, атрофдагилар хабар топишади. Охири, рўзғорнинг бутун егулигини кўтариб олиб кетишга, зумда ғойиб бўлишга улгурадиган қўлни деб, улар бош олиб чиқиб кетишади.

“Тандирчи энди тақдирга тан берганди: у тобора дармони қуриб, кучдан қолаётган бўлса-да, эгаси йўқ қўл учун ҳам ишлашга, унинг ебтўймас қорнини бир илож қилиб тўйдиришга, ундан ортганини болалари билан баҳам кўришга алалоқибат рози бўлган, у энди қўл ҳақида ҳеч кимга гапирмас, интервью ҳам бермас, келганларни ҳовлига киритмасди ҳам”, дея муаллиф очлик ва нафс энди оиланинг аъзоси каби бор-будуни еб бораётганини куюнчаклик билан таъкидлайди. Аслида, “қўл” маъносида ҳам демак шу каби рамзий маънолар мужассам. Аммо қўлни тўйдириш осон эмас, унинг нафси ҳакалак отган эди. Эҳтимол оила аъзоларини тўйдириш, уларнинг қаноат қилиши осондир, қўлнинг қўли ўғрилик ва очафатликка ўргангани боис еганини билмай, йўқсилнинг ошига шерик бўлиб бораверар эди.

“Қўл” ҳикоясида тўғрилик ва эгрилик курашгани каби “Жажман” ҳикоясида ҳам шу асос ҳикоянинг мазмун-моҳиятига сингдириб юборилган. Аммо улар ўртасида сюжет ва композицияда фарқли жиҳатлар бор.

Ҳикоя Назар Эшонқул учун адабий макон ҳисобланган — Терсота қишлоғида содир бўлиши, “идоранинг мажлислар зали терсоталиклар билан лиқ тўлган, ғала-ғовур, одам одамни танимас, қандайдир бақир-чақир, тўс-тўполон ҳукмрон”лиги ҳам қўлнинг ўғрилик ва таъмагирлигидан безган одамларнинг исёни, дейиш мумкин.

“Авесто”да икки куч: эзгулик худоси (Ахурамазда) ва ёвузлик худоси (Ахриман) ўртасида мислсиз жанг боради. Азалдан шундай: эзгулик ва ёвузлик доимий курашда. Алалоқибат эзгулик тантана қилади.

“Жажман” сўзининг изоҳига келсак, адабий учрашувларда, гурунгларда мухлислар шу саволни кўп беришади, аммо мен ҳар гал жавобсиз қолдирганман. Бу – менинг сирим, ҳикоянинг жозибаси шунда. Ўқувчи ўзи ўйлаб топсин” [9]. Албатта, ёзувчининг ушбу қаҳрамони у томонидан ўйлаб-яратилган образ, ҳатто, ебтўймас бир махлуқотдир.

Сирасини айтганда ҳам бозорнинг бир тирқишидан кириб ногоҳон одамларнинг нарсаларини еб қочиб кун кўрар ушбу махлуқот ёзувчининг бадиий тафаккури маҳсули дейиш мумкин. “Қўл” ҳам айнан шу тахлит яратилган бўлиб, у ҳам дастурхон атрофида борини еб битиргач, ушлашга ҳам йўл қўймай чаққонлик билан қочиб қолади. Хўш, бу образларни яратиш адиблар учун нечоғлиқ муҳим?

Ҳар бир ёзувчи жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлар экан, ундан ўзига хос таъсирланади: таъсирланиш ортидан унинг онгида ўзига хос тафаккур эврилишлари рўй бера бошлайди. Аввало, “Жажман” ва “Қўл” бу нафақат очкўзлик, ҳарислик ва нафснинг қулига айланган махлуқот тимсоли, шунинг баробарида у ижтимоий-маънавий эврилишлар, жамиятда рўй бераётган инсонлар қиёфасидан таъсирланиш маҳсули ҳам дейиш мумкин. Жажман ўзига хос мажозий образ, яъни у на ҳайвонга, на парранда-ю, даррандага ўхшайди. Ёзувчи эса унинг қиёфасини қуйидагича тасвирлайди.

Дастлаб жажман аталмиш махлуқнинг “кўзи, қулоғи, тумшуғи дам сичқонники”га ўхшашига ишора берилса, кейин тулкиникига ўхшаб, тинимсиз товланиши баён этилади.

“Олмахон-ку!”, деб юборди ичида бобо ва шу заҳоти бошини чайқаб “Тулкиминан сичқондан тарқаган кўринади”, деган хаёлга борди, бирпас жим қолгач эса, “Қорни кенгуруники…”, деди пичирлаб, лекин махлуқ қаддини ростлаб икки оёқлаб бораётганини кўриб, “Ё одамдан тарқаганмикан?!”, деб ўйлади” [10].

Салом тандирчи ниҳоят пайт пойлаб, қўлни ушлабди: “узун, нозик, айни пайтда шаполоқдай қўлни ушлаб турар, лой қорийвериб, мускуллари пишиб кетган бақувват панжалар орасида қўл худди қамчи каби билонгларди” [5].

Шу ўринда Жажманнинг нега турли қиёфаларда берилаётганига назар ташлаб ўтиш ўринли: яъни, сичқон қиёфасига кирган махлуқ бирдан тулкига айланиши-ю, яна турланиб, зумда одам қиёфасига кириши замирида ҳам ижодкорнинг ғоявий-бадиий мақсади мужассам. Айтайлик, дастлаб у сичқон эди – ҳамма ёқни кемириб битириш учун, кейин тулки – ҳаммани алдаш учун, кейин олмахон – еб битириш учун ва охири, одам – онгли кемирувчи бўлгани учун бутун бозор уни йўқотиш пайига тушди. Аммо таъбиримизча, инсондаги, умуман, жамиятдаги нафс балоси тугармиди? Албатта, йўқ. Уни ўлдиришга қанчалик ҳаракат қилинмасин барча уринишлар бекор кетади.

Қўлнинг узун тасвирларниши эса кўпроқ “қўли узунлар”га, яъни ҳар жойга қўли етадиганлар, имкон даражасида бировнинг ҳаққини еб, кун кўрувчилар, қолаверса ноинсоф амалдору мансаб эгаларига қаратилган дейиш мумкин.

Икки ҳикоянинг ижтимоий аҳамияти шундаки, у гарчи реал воқеаларга асосланмаган, замирида модернистик образлар ётган бўлса-да, замон ва макон тушунчаларидан йироқ бўлиб, ижтимоий жараёнлар учун хос ва мос ҳисобланди. Шу боис ҳикоянинг ижтимоий аҳамияти ортиб, уни фақат бир киши бошидан ўтказган воқеа-ҳодиса сифатида эмас, балки умумжамият учун тегишли бўлган ҳикоя сифатида талқин этиш керак.

Қўл ҳикоясида оқсоқол: “Эгаси йўқ қўл энди ҳамманинг уйида пайдо бўлибди!” [7] деб мулла Келдиёрни ёрдамга чақиради. Аммо гўё ёзувчи энди

жамиятда ўғрилик ҳеч қачон барҳам топа олмаслигини таъкидлагандек уни йўқотишнинг иложини топа олмайди.

“Жажман” бўлса кўпайиб, янги “жажманчалар” авлоди давом этаверади.

Шу ўринда бир мулоҳазани келтириб ўтиш ўринли. Икки ҳикоянинг ҳам охирида “қўл” ва “жажман” кўпайиб кетди. Бу ижтимоий муҳитдаги очкўзликларга муносиб жавоб сифатида ёзувчининг қалб қўридан отилиб чиққан нидодир.

Хуршид Дўстмуҳаммад ва Назар Эшонқул гарчи икки усул ҳамда услубдаги ёзувчилар саналса-да, уларнинг айрим асарлари бир ижодий тизим асосида маъно-мазмунга эга бўлади. Жамиятнинг илғор вакиллари ҳисобланган ёзувчиларнинг ижтимоий жараёнларга муносабати, одамларнинг изтироблари, ўз қалбида кечаётган кечинмалар ана шундай ижодий муштарақликни юзага чиқаради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Назар Эшонқулнинг “Жажман” ҳикояси борасидаги қарашлари, фикр-мулоҳазалари шундан далолат беради, адибнинг “жажманлар” “катта бозор”га танда қўйиб қолишди. Агар иложи бўлсайди, улар ўзбек тупроғини ҳам ташиб олиб кетардилар”, каби аччиқ кинояси замирида ҳам ўша адабий таъсир маҳсули кўринади ва катта эҳтимол билан “Қўл” ҳикоясини айнан “Жажман” ҳикояси таъсирида ёзилган дейишга асосимиз етарли бўлади. “Жажман”, “катта бозор”, “Ўзбек тупроғи” сингари жумлалар ҳам адабий таъсирнинг кўлами ва салмоқдорлигини кўрсатиб турибди.

Икки ҳикоянинг ҳам полифоник характерга эгалиги, услубининг ўзига хослиги, тилининг бойлиги ва сермаънолилиги ижодкорнинг маҳоратини кўрсатади. Шунинг баробарида асарга турли рамзий образ ва воситалар киритилгани асарнинг бадиий савиясини ошириб, унинг ўқимишлилигини таъминлайди.

Умуман олганда, бу асардаги ҳар бир детал образ даражасига кўтарилган, образлар ҳам рамз даражасига етган. Рамзлар ҳам фикримизча,

рамзий тимсол даражасига кўтарилган. Жажман – очкўз ва тўймас махлуқот тимсоли. Қўл – ўз манфаатларининг жамоат манфаатларидан устун қўйган кишилар тимсоли. Уларда шубҳасиз, ижтимоий ҳаёт ҳаёт унсурлари тўла акс эттирилган. Қўл ҳам, жажман ҳам тўла маънода турли йўллар билан ўзгалар мулкини ўзлаштираётган “қўллар” тимсолидир.

Шарқ адабиёти қадимдан дидактика асосига қурилганини, одоб-ахлоқ, маънавият тушунчалари шоиру ёзувчилар ижодининг ўзагини ташкил этишини инобатга олсак, бугунги куннинг илғор ёзувчилари ижодида ҳам бу жиҳат жаҳон прозаси ва миллий адабиётимиз синкретикасида янгича образ ва воситалар инкишоф этилаётганини ютуқ сифатида баҳоласак арзийди. Энг муҳим томони шарқона дидактикага асосланган адабиёт шу билан ўз йўналишидан бориб, жаҳон ареналарига кўтарилади. “Жажман” ва “Қўл”асарлари эса миллий адабиётимизда ноёб ҳодиса сифатида эътироф этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Адабиёт назарияси. Икки жилдлик. Адабий асар. I жилд. – Тошкент: Фан, 1978.
2. Довурбоева Н. “Жажман”нинг жилвалари. //Ёшлик, 1991. – №-5. – Б. 43.
3. Эшонқул Н. Ижод қудрати, гўзаллик илоҳиётга дахлдорлик// Миллий тикланиш. – 1998. – 19 май.
4. Қўчқорова М. Ҳозирги ўзбек насрида бадиий шартлилик. – Тошкент: Фан, 2020. – 119 б.
5. «Ёшлик» журнали, 2017 йил, 11-сон
6. https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/ahmad-yassaviy/
7. t.me/Nazar_Eshonqul
8. https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-dostmuhammad-jajman-hikoya
9. https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/xurshid-dostmuhammad/xurshid-dostmuhammad-jajman-hikoya/

10. https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/nazar-eshonqul/nazar-eshonqul-qol-hikoya/